




- * Н. Нафасов: каратэ ўзбекка бегона эмас
- * Дайди қизнинг ҳасрати тугамайди
- * Учбурчак чизишни ёқтирсангиз сержаҳл одамсиз
- * Ота-онасига ҳам бегона фарзандлар бор экан



Элим деб, юртим деб,



ёниб яшаш керак

ТУРКИСТОН

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 30 январь Шанба. № 8 (144199)

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Фавқулод-да вазиятлар вазирлигида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» китобини ўрганишга бағишлаб «Мамлакат хавфсизлиги ва манфаатлари ҳамма нарсадан устун» мавзuida илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Анжуманда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг уринбосарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди. Тадбир Ўзбекистон Фанлар Академиясининг иқтисодий институтини ва ёш олимлар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда Фавқулодда вазиятлар вазирини Б.Қосимов маъруза қилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртбошимиз асарида буюк келажак сари шахдам олға бораётган мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, адолатли ҳуқуқий демократик жамият барпо этишнинг ўзига хос тамойиллари ҳамда туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги ислохотларни изчил амалга ошириш асосида республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб урин эгаллашни таъминлаш борасидаги долзарб масалалар чуқур баён этиб берилганлигини таъкидладилар. Шу босидан ушбу китоб юртимизнинг ҳар бир фуқароси томонидан қўл билан ўрганилиши, ундан ўз фаолиятида кенг фойдаланиши, бинобарин, ҳар бир хонадон эгасининг энг муҳим билим манбаига айланиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари утиш даврида иқтисодий ва ижтимоий муҳофаза масалалари, аҳоли ва ҳудуд хавфсизлигига таъсир курсатувчи табиий ва техноген омиллар, очиқ иқтисод ва мамлакатимиз миллий иқтисодий хавфсизлиги ҳамда дунё иқтисодиётига кириб боришда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш муаммолари ҳақидаги маърузаларни ҳам тингладилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жураев, Бош вазир уринбосари Ҳ.Кароматов сўзга чиқди.
Т.БОТИРБЕКОВ,
Ўза муҳбири

ИШЮНУ КАРВОНЛАРИ



ЎЗАРО КУЧ СИНАШДИ

Ёшларни спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб этиш, жисмоний соғлом қилиб тарбиялаш, миллий курашга эътиборини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси Ангор тумани бўлими, туман халқ таълими ходимлари билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари ўртасида «Алпомишлар беллашуви» ни ўтказди. Унда ёш полвонлар 16 хил вазн тоифасида ўзаро куч синашдилар. Ўз вазнлари бўйича голиб чиққан ёш курашчилар вилоят биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиб, ташкилотчиларнинг мукофотларига эга бўдилар.

Беллашувнинг мутлоқ голибига тумanning номдор полвони Нуртожи Очилов пул мукофоти таъсис этди. Унга 22-мактабнинг II-синф ўқувчиси Ш. Холмуродов сазовор бўлди. Полвонларнинг ёшларга эътиборидан илҳомланган курашчилар мусобақаларга янада пухтароқ тайёрланишга қарор қилишди.
Дилшода ШАҒОАТОВА

ДЕМОКРАТИК ЁШЛАР АНЖУМАНИ

НИКОСИЯ. Кипрнинг Ларнак шаҳрида Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг 15-ассамблеяси иш бошлади. Унда 80 мамлакатдан келган 150 нафардан зиёд вакил қатнашмоқда. Тадбир ташкилотчилари анжуманда кипрлик туркларнинг иштирок этаётганини юқори баҳолашмоқда.

Кипр парламенти раиси Спирос Киприану анжуман очилишида сўзга чиқиб, ёшлар федерацияси дунёда тинчликнинг ёшларнинг ҳамда айрим муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш борасида муҳим тадбирларни амалга ошираётганини қайд этди. Уч кун давом этадиган ушбу анжуманда иштирокчилар Кипрдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, халқаро ҳамжамиятда ёшлар фаолигини янада ошириш ҳамда минтақаларда юз бераётган нотинчликлар борасида ўзаро фикр алмашади.
(Ўза)

Газета саҳифалаккаётганда

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

** Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра Оқилжон Обидов Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирини этиб тайинланди ва шу сабабдан у Ўзбекистон

Республикаси Меҳнат вазири вазифасидан озод қилинди.

** Халқ таълими вазирлиги «Таълим тараққиёти» деб номланган ахборотнома чоп этди.

** Тошкентдаги Санъат музейида Гёте институтини томонидан Германия графика рассомлари кўрғазмаси очилди.

Ёшларни ахлоқий-маънавий жиҳатдан тарбиялайлик

Тошкентда Президентимиз Ислон Каримов асарлари асосида талаба ва ўқувчиларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш вазифаларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлди. Анжумани республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташкил этган. Унда республиканинг бир қанча вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олий ўқув юртлигининг ректорлари ҳамда маънавият ва маърифат бўйича проректорлари, ижтимоий-гуманитар фаилар кафедраларининг мудири, олий ўқув юртлигининг етакчи профессор ва ўқитувчилари иштирок этмоқда.

Конференцияни Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Фуломов очди.

Анжуманда Президентимиз Ислон Каримов мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ташаббускори экани алоҳида таъкидланди. Унинг асарлари ва нутқларида ўртага ташланган жамият ҳаётидаги барча соҳаларни ўзгартириш вазифаси биз учун дастуриламалдир. Лекин, янги жамият янги таълим тизими бунёд этилишини тақозо қилади. Шу сабабли, таълим тизими ходимлари ҳозирги вақтда давлатимиз бошлигининг асосий ғояларидан бири - ёшларни тарбиялаш жараёнини шахсни камол топтириш, ҳар бир кишининг истеъдод ва қобилиятини рўйбга чиқариш билан боғлаш йўлида ҳаракат қилмоқда. Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастур биринчи навбатда ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялашни такомиллаштиришга қаратилган. Вазифа талаба ва ўқувчиларни ўзларининг фуқаролик бурчини юксак англаш ҳамда мустақил Ватанимиз ва демократия ғояларига, умумбашарий ва

миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларда жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларини эгаллашга бўлган эҳтиёжни ривожлантиришдан иборат. Ёшлар тафаккури мана шу йўналишда ривожланиши лозим. Бироқ, конференцияда қайд этилганидек, бу соҳадаги ишлар ҳали кўнгилдагидек эмас. Тарбия ишлари кўпинча ўқувчиларга шунчаки ахборот беришга асосланган эски усулларда олиб борилмоқда. Миллий мафкура, миллий гуруҳ, мустақиллик, ватанпарварлик каби тушунчалар ёритиб берилган замонавий ўқув адабиётини тайёрлаш жуда суст бормоқда. Мамлакат учун маънавий, ижодий жиҳатдан камол топган мутахассисларни тайёрлаш мақсад қилиб қўйиш янги илмий-педагогик технологияларни ишлаб чиқиш етарли даражада фаоллик билан олиб борилмапти.

Тарбия жараёнини бошқариш тизими бундай масъул фаолиятга ёндашув тубдан қайта кўриб чиқилиб, жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларини ислоҳ қилишнинг ўзига хос жиҳатларини акс этти-

рувчи ўзгаришлар барпо этилганидагина самарали натижа беради. Ёшларнинг дунёқарашини миллий мафкура тамойиллари асосида, янги демократик фуқаролик жамиятини, бозор иқтисодиётини барпо этиш нуқтаи назаридан шакллантириш зарур. Ўқув юртлирида бошқарув ва ўзини-ўзи бошқарув тизимларини мақбул равишда қўшиб олиб бориш ва бу жараён устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш лозим.

Анжуманда Президентимиз асарларида ифодаланган ёшларга таълим ва тарбия беришга доир давлат сиёсатини амалга ошириш механизмларини муфассал ишлаб чиқиб, бу механизмларни ишга тушириш бўйича республика таълим тизимини янги, янада юқори даражага кўтариш ёшларни Ватанимизнинг буюк келажагига муносиб равишда тарбиялаш имконини бериши қайд этилди.

Умумий йиғилишдан сўнг секция мажлислари бошланди. Анжуман иштирокчилари бу мажлисларда ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялашни такомиллаштиришнинг аниқ йўналишларини кўриб чиқди.

Конференцияда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари Н.Жўраев, Т.Рисқиев, Республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов сўзга чиқди.

**А.Иванова,
ЎЗА мухбири**

Шу сонга хабар

Тошкент Архитектура ва қурилиш институтининг мажлислар залида Республика ёшлари "Камолот" жамғармаси ташаббуси билан Президи-

чиққанлар Йулбошчи-мизнинг мазкур асарлари катта ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий аҳамиятга эга эканлиги ҳақида алоҳида таъкидланди. Боиси уларда на-

"КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ"

дент Ислон Каримовнинг "Кучли давлатдан кучли жамият сари" китобини ҳамда унга илова сифатида чиқарилган "Жамиятни ислоҳ қилиш йўлида" тўпламини урганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда "Камолот" жамғармасининг Тошкент шаҳри ва туманлардаги бўлимлари раислари, пойтахт олий ўқув юртлири вакиллари иштирок этди. Йиғилишни "Камолот" жамғармаси бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов бошқарди. Шундан сўнг сўзга

зарий-амалий фикр-мулоҳазалар, йул-йўриқ ва тавсиялар жамланган.

Биз маросим якунида "Камолот" жамғармаси раиси муовини Қахрамонжон Қуронбоевдан бугунги учрашувни ўтказишдан кўзланган мақсад хусусида сўрадик.

— Мақсадимиз ҳар иккала китобнинг ҳам асосий ғоясини ёшларга етказишдир, - деди у. - Бугунгиси илк қадамимиз бўлди. Биз бундай учрашувларни ҳар бир вилоятда ўтказиш ниятида-

Хуршид РЎЗИЕВ



АЁЛ ҚАЛБИ

Танловга таклиф этамиз

Республикаимиз Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуси билан "Аёллар йили" деб эълон қилинган 1999 йил она юртимиз тарихига ўзига хос саҳифа бўлиб кирди. Фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда аёлларимизнинг ўрни беқиёсдир. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган аёлларимизга ғамхўрликни янада кучайтириш мақсадида мамлакатимизда кўплаб ҳайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси ҳамда "Туркистон" газетаси тахририяти 1999 йил - аёллар йилига бағишлаб "Аёл қалби" мавзусида мақолалар танловини ўтказишга қарор қилди. Танловни ўтказишдан асосий мақсад аёлларнинг замонавий демократик жамиятдаги ўрни беқиёс эканлиги, улар юксак маънавият соҳибалари эканлигини тан олган ҳолда уларни бугунги кундаги қалб дардларини - муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилишдир.

Танлов шартлари:

Мақолалар машинкаланган бўлиб, 4-5 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Танловга юборилган мақолалар сараланиб, газета саҳифаларида ёритиб борилади ва танловни ўтказиш ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

Танлов 1999 йилнинг 4 февралидан бошланиб, 8 декабрь -- Республикаимиз Конституцияси куни арафасида якунланади.

"Аёл қалби" мавзусидаги мақолалар танлови ғолибларини куйидаги мукофотлар кутади.

1- ўрин - 1 та - 10000 сўм

2-ўрин - 1 та - 8000 сўм

3-ўрин - 1 та - 5000 сўм.

Шунингдек, ҳар бири 2500 сўмдан 2 та рағбатлантирувчи мукофот бор.

Қадрли муштарийлар! "Аёл қалби" мавзусидаги танловимизда барча ёшлар қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Сизни танловга таклиф этамиз.

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси, 32. "Туркистон" газетаси тахририяти "Аёл қалби" танловига, деб ёзишни унутманг.

Омад ёр бўйсин!

НАИМАХОН - БИРИНЧИ

Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда мактабдан ташқари муассасалар услубий маркази ташаббуси билан "Ёшлар етакчиси - 98" танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзининг зукколиги, билимдонлиги ва ташкилотчилиги билан бошқалардан ажралиб турган Қўқон шаҳридаги 13-мактаб ёшлар етакчиси Наимахон Тожиаҳмедова ғолиб деб топилди. Иккинчи ўрин Тошлоқ туманидаги 9-мактабдан Ёзозхон Юнусова, учинчи ўрин эса Фарғона шаҳридаги 5-мактаб етакчиси Дилафрўз Шокировага насиб этди. Ғолибларга қимматбахо совғалар топширилди.

ҲИММАТ

1999 йилнинг аёллар йили деб эълон қилиниши муносабати билан Фарғонанинг "Вилоятгаз" бошқармаси тизимида ишловчи хотин-қизларнинг иш вақти бир соатга қисқартирилди. Корхонада ёш аёллар саломатлигини муҳофаза этишга эҳтибор берилмоқда. Негаки, ҳалол, фидойи ходимларни рағбатлантириш уларнинг иш унумини ошириш демакдир. Мазкур соҳага 20 йилдан ортиқ меҳнати сингган ходимларга ойлик маошининг саккиз баробари миқдорда мукофот берилаётгани ҳам ибратлидир.

**М.УСМОНОВА,
Фарғона**

ТАЛАБАЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Тошкент вилояти давлат педагогика институтинда "Камолот" жамғармаси Ангрэн шаҳар бўлими ва ТВДПИ ҳузуридаги жамоатчилик маркази ҳамкорлигида "Талабалар спартакиадаси" ўтказилди. Унда Ангрэн шаҳридаги барча илм масканлари вакиллари иштирок этиб, спортнинг миллий кураш, тош кўтариш, қўл жанги, футбол, минн футбол турлари бўйича куч синашишди.

Ҳакамлар ҳайъати миллий кураш бўйича турли вазнлар орасидан Ангрэн политехникуми ўқувчиси Эркин Қобилов, ТВДПИ талабалари Ботир Абдураҳмонов ва Анвар Сайёев, шунингдек, шаҳар "Камолот" жамғармаси ходими Акмал Абдуразоқовлар биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Футбол бўйича ўтказилган мусобақада эса вилоят педагогика институти тарих-филология факультети жамоаси биринчи ҳамда жисмоний тарбия куллуби 11-гуруҳ талабалари иккинчи ўринни қўлга киритишди.

Ўз мухбиримиз



МИНБАР

«Туркистон» газетаси қошидаги «Умид учқунлари» тахририяти нашри

Азиз Ўзбекистон ёшлари! Сизлар учун ажойиб хушxabар. Қўлингиздаги саҳифа «Туркистон» муҳарририяти қошидаги «Умид учқунлари» тахририяти ижодкорлари томонидан яратилган. Бу саҳифада Сиз дилингиздаги барча орзу-истакларингиз, таклиф-мулоҳазаларингизни, кўнглингиздаги, хаёлингиздаги ўз тенгдошларингизга етказмоқчи бўлган тилакларингизни баралла айтишингиз мумкин. Қолаверса, бугун Сизни қандай муаммолар қийнаётгани хусусида ҳам ёшлар минбаридан туриб гапиришга имкон яратилган.

«Туркистон» Минбари фақат Сизлар учун

ЯНГИ АСР ОСТОНАСИДА

Мустақиллик ёшларимиз учун барча соҳаларда юксалишнинг кенг йўллари очиб берди. Улар бугунги кунда ўз истеъдоду маҳоратларини турли жабҳаларда намойиш этмоқда. Уларни билим олишга, хунар эгаллашга бўлган қизиқишлари келажакимиз порлоқлигига бўлган ишонч ва умидларимизни яна бир бор мустаҳкамлайди. Хўш, ёшларимизнинг ўзлари ҳақида фикрлари қандай?

Зухра ҲАМДАМОВА:

Тарих келажак кўзгусидир. Бугун ўтмиш тарихимиз билан бемалол фахрлана оламиз. Буюк бобокалонларимиз, улар яратган обидалар, жаҳон хазинасини бойитиб келган илму маърифатимиз ўзбек миллатининг ўтмишда ҳам нақадар юксак маънавиятли, билимдон халқ бўлганлигини кўрсатади. Ҳозирги кунда ҳам ораимизда Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Навоий, Амир Темури каби буюк ўғлонларимиз етиштиётган бўлса ажаб эмас...

Ҳали Ўзбекистонимиз жаҳонга улкан истеъдод соҳибларини етказиб беражак. Бунга шубҳам йўқ...

Беҳбуд БОТИРОВ:

Матълумки, қарийб 8 йилдан буён юртимиз бўйлаб ҳур истиқлол шамоллари кезиб юрмоқда. Бу албатта Ўзбекистоннинг қўлга киритган энг буюк неъматларидан бири ҳисобланади. Шунини олоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг келажак тараққиёти босқичларининг ривожланиши бугунги ёш тадбиркор, зукко, шунингдек, изланувчан ёшлар қўлидадир. Ҳозирда шу мақсадда ёшларга замон талабларига мос билим бериш, ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш учун жуда кўп шароитлар яратилмоқда. Биргина мисол қилиб оладиган бўлсак, ҳозирда Улугбек номи, «Умид» каби ёшларни қўллаб-қувватловчи жамғармалар ёшларни, шу жумладан, талабаларни танлов асосида қабул қилиб, уларни хорижий давлатларга бориб ўқишлари учун катта ёрдам бермоқда.

Ҳурматли Президентимиз «Тафаккур» журналининг бош муҳарририга берган жавобларида шундай сўзларни таъкидлаб: «Энди ёмонлик соясида яшириниш вақти ўтди. Фақат биз Ўзбекистон келажакли, рабнақи учун астойдил курашмоғимиз керак», деганларида балки мана шундай ёшларни назарда тутганлар.

Ботир ДЎЛАНОВ:

Президентимиз нима учун кўпроқ ёшларга эътибор қаратаётган? Бу саволга жавоб берадиган бўлсам, менимча бугун табаррук ёшларни қоралаб қолган айрим кишиларимиз эски тузумда туғилиб, ўша давр руҳида тарбия топганлар. Ҳоҳлаймизми, йўқми уларнинг тафаккурда ҳам, дунёқарашда ҳам кўпроқ ўша давр руҳи сингиб қолган. Агар ўша кишиларни янги даврга мослаштирадиган бўлсак, камидан 15-20 йиллар керак бўлади.

Президентимизнинг ёшларга кўпроқ эътибор қаратишидан мақсад эса ёшлар эртанги кунимизнинг эгасидирлар. Мустақил юртимизнинг келажакдаги тақдирини ҳам бугунги ёшларимиз қўлидадир.

Хуршид РЎЗИЕВ:

«Ёшлик довораклик фасли» деганди донишмандлардан бири. Шундай экан, бугунги давримиз ёшлари бундан қай даражада ҳис

қилмоқдалар?

Кимдан сўраманг, албатта бугунги ёшлар хусусида ижобийдан кўра кўпроқ салбий фикрлар айтиши турган гап. Лекин бу, яъни «ёшлар ундоқ, ёшлар бундоқ» деган гаплар эраимиздан аввал ҳам айтилган экан. Президентимиз бугун бор ишонч, умидини ёшларда деб билаётирлар.

Ўтган йил охирида Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси А. Кўчимов билан мулоқотларида ҳам юртбошимиз И.Каримов ёшлар хусусида яна бир бор тўхталиб ўтдилар:

«Энг аввало, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга қийин бўлиб турган эски асоратлардан ҳоли бўлган, замоннинг илгор талабларига жавоб берадиган ғайрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вазифаларига келиши учун йўлни кенг очиб бериш керак».

Президентимизнинг шу қадар кую-

Бугун «Минбар»да ТошДУ журналистика факультетининг талабалари

ниб гапиришларида жон бор. Бугунги кунда биз учун барча имкониятлар эшиклари очик. Биз ҳам бундан оқилона фойдаланмоғимиз керак. Бугун «Умид» жамғармаси туфайли бир қанча дўстларимиз чет элга бориб илм олиб келиш имконига эга бўлишмоқда. Қолаверса, «Камолот» жамғармаси ҳам ўз олдига қўйган вазифаларини ўтамоқда. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзи бир туман, шаҳар «камолот»чилари ёшлар талабига ҳали жавоб бермайдилар. Бугун шаҳарлардагина эмас, ҳатто қишлоқларимизда, чекка-чекка туманларимизда ҳам доворак, фидойи ёшлар етишиб чиқмоқдалар. Шу маънода сўзимиз яна кадрларга бориб тақалади. Бугун элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ёшларнинг талабига юқори курсида ўтирганлар яъни катталар ҳам жавоб бермоғи лозим.

Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда ёшлар миллий истиқлол ҳиссини тўла англаб етган ҳолда юрт, миллат учун хизмат қилмоқда. Энг истеъдодлилар камол топмоқда.

Биргина университетимизнинг ўзида ҳам ушлаб давлат стипендиантлари таҳсил кўришмоқда. А.Абдумаликов, Г.Муратов каби Президент стипендияси соҳиблари ҳам борки, улар ўз қобилиятларини ҳар ишда фидойи бўлишлари маълум маънода туртки бўлишмоқда.

Фарҳод ҲАЗРАТКУЛОВ:

Шу боисдан эраимиздан олдин IV асрда ўтган машҳур юнон файласуфи Геофраст: «Инсон бошига тушиши мумкин бўлган йўқотишлар ичиди энг оғири -- вақтни бой беришидир» деганида мутлоқ ҳақ эди.

Ёшлик даври энг аввало, маънавий бойлик тўплайдиган, ақлни пешлайдиган, ҳаётий тажриба, малака ва қўникмалар йиғадиган даврдир. Унинг

қадрини англаган кишигина ўз келажакининг мустақкам пойдеворини кура олади.

Ҳаётнинг шиддаткор одимлари, илм-техниканинг такомиллашуви ҳамда давлатимизда рўй бераётган ўсишлар муносабати билан бугунги кун қаҳрамони -- ёшлар Ўзбекистоннинг келажак, унинг рабнақи учун қандай тайёрланган бўлиши керак? деган саволни кўндаланг қўймоқда.

Ўзбекистон келажакини бугунгидан ҳам қилиш учун ёшлар энг аввало маънавиятли бўлиши керак. Улар Ватанни севиши керакки, токи, Ватан учун фидо бўлиш даражасига етишсин.

Улар ўзини эмас, миллат, Ватан қадрини биринчи ўринга қўйиши керак. Фидойи бўлиш учун эса энг аввало маърифатли бўлиш керак. Маърифатли бўлиш учун энг қиммат тушунча бўлган вақтдан фойдаланиш керак. Ҳозирги кунда Фидойилар партияси тузилиши ёшлар ҳаётида юлдуз чарақлагандек бўлди. Бизга катта ишонч билан қаралаётгани, биз ана шу ишонччи оқлашимиз керак.

Шодиёр ЭШАЕВ:

Президентимизнинг ёшларга билдираётган ишончи, умиди учун ташаккур билдираман. Лекин бу ишонч ва умид бизнинг зиммамизга қанчалик юксак масъулият юклаши бир томондан оғир, машаққатли бўлса, иккинчи томондан эса тотли ҳамдир. Чунки сен ўз Ватанинг - ота-онанг, опа-уқанг, ёру биродарларинг учун ёниб яшайсан, уларнинг ҳам сенга бўлган илиқ муносабатини кўриб меҳринг осяди. Бенихтиёр шу паллада Ватан меҳри сени қанчалар қамраб олаётгани ҳис эжасан.

Баъзан бугунги ёшларнинг гўёки сустилигини танқид қилишди. Мен бетачопарликни ёшларга хос бўлмаган хусусият деб биламан. Машҳур француз файласуфи Франсуа де Ларайфуқ шундай деган экан: «Ҳаётга тетапоя қилиб кириб келатган ёшлар тортиноқ ёки уятчанроқ бўлишлари керак: ўзига ўта ишонч ва бамайлихотирлик оядта сурбетликка олиб боради».

Олим ЭШНАЗАРОВ:

Доим жамиятнинг энг илгор, интилувчан катта куч эгалари - ёшлар ҳисобланиб келган. Онг ва тафаккур дунёси янгича шаклланаётган бугунги кун ёшлари - илгарини, мустабид давридагидек Япон мўъжизаси-ю, Фарб зийраклигига ҳайратланиб қарамасдан ўзлари жаҳонни лол қилувчи кашфиётларни қилишга уринишмоқда. Ёшлар хоҳишлари билан янгиликка, буюкликка интилоқдалар. Бу юртимиз порлоқ келажакининг биргина учқунидир.

Хусния ПАРДАЕВА:

Ҳозир дунё ривожланиш йўлидан жуда тез суръатда одимламоқда. Истаймизми, йўқми яхши янаш учун биз ҳам у билан баробар қадам ташламоғимиз зарур. Бизан катталарнинг эскича иш юри-таётганини кўриб жаҳлинг чиқадилар. Ахир кичикларга авваламбор катталар ўрнак бўлишлари лозимку. Келажакда мана шу ёшлар иқтисодни, матбуотни ва яна бошқа соҳаларни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига мана шу ёшлар олиб чиқадилар.



ВАТАННИ КУЙЛАМОҚ БУРЧИМ

Юрагим тафтини олгувчи Ватан,
Онгимга янги йўл солгувчи Ватан.
Қалбимда мангуга қолгувчи Ватан,
Тулар гўзаллиги ўғирлар тинчим
Шу азиз Ватанни куйламоқ бурчим.

Жаннатим ўзидир, гурурим ўзи,
Қутлугдир Юртбошим бошлаган изи.
Мен каби мадҳ этар ҳар ўғил-қизи,
Тулар гўзаллиги ўғирлар тинчим
Шу азиз Ватанни куйламоқ бурчим.

Гофур ЖАБИЕВ



Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидаги 20-ўрта мактабнинг жонкуяр ўқитувчиси Баҳодир Раҳмоновнинг асли касби ўқитувчилик. У қишлоқ мактабини битириб, Низомий номидаги педагогика университетида ўқишга кириди. Узининг иқтисодчи билан домдаларининг кўнглидан жой олган Баҳодир Раҳмоновни шу ерда қолишга таклиф қилишди. Лекин туғилиб ўсган қишлоқини тарк этгиси келмай, ўзи ўқиган мактабда ўқувчиларга дарс бера бошлайди. Ўқитувчилар орасида ҳам ишчан, талабчанлиги билан ажралади.

Баҳодир ака ўз фанига қизиқиши бўлган қишлоқ болаларига мустақил дарс ўтади. Мактабни битирган ўқувчилар қаерга боришмасин, математикадан юқори баҳо олишади. Шу-шу бўладию, муаллимнинг эшигидан одам аримай қолди.

Шу ўқув йили бошида эса 25 нафар битирувчисининг 10 таси Тошкент, 12 таси Қарши, 3 таси Жиззах ва Сирдарё шаҳарларидаги олийгоҳлар талабаси бўлишди.

Бу йил туман олимпиадасида 3 та ўқувчиси биринчи ўринни олиб, вилоят миқёсида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Вилоятда эса 2 ўқувчи 2-ўринни эгаллади.

Бугунги кунда Президентимиз ёшларга ишонч билан қаратган экан, ана шу умидли ёшларни Б. Раҳмоновдек жонкуяр муаллимлар тайёрлайди. Биз унинг шундай масъулиятли ишига ҳамниша ривожлар тилаб қоламиз.

Гофур ЖАБИЕВ

БОЛА БОШДАН...

«Башорат»

- * Агар фарзандингиз ёшликда утанининг уроғини, кетганининг кетмонини олса, у келажакда ДАН ходими бўлади.
- * Ёшликда болалар уртасидаги жанжалларга бошчилик (ҳозирги тилда «разборщиклик») қилса, унда у прокурор ёки судья бўлади.
- * Қизчангиз олиб берган қўғирчоғининг ичинини ёриб кўрса, Сиз ранжманг, у жарроҳ бўлади.
- * Мабодо болангиз янги шимингиз ёки кўйлагингизни кийиб қочадиган бўлса, у моделер бўлади.
- * Оилада жанжал чиққанда бола ота томонда бўлса, «оқловчи», она томонда бўлса эса -- «қораловчи» бўлади.
- * Инглабми, баҳона топибми Сиз-

- дан музқаймоққа пул оладиган болангиз бўлса, у албатта артист бўлади.
- * Болангиз ўзи билан гаплашиб ўтираверса, у фарзанддан шоир чиқадилар.
- * Фарзандингиз кўрпасига қараб оёқ узатса, у «иқтисодчи» бўлиши мумкин.
- * Болангиз мабодо пулни бармоғини туфлаб санашини, бели букилмаган юзталиқни чўнтакка уришни сева, банк ходими ёки ҳисобчи-газначи бўлади.
- * Бирор фалокат юз берганда, Сизга ёрдам кўрсата олмайд сўнг эса ажойиб ёрдам кўрсатадиган фарзандингиз бўлса, у албатта бирорта Сугурта идорасида ишлайди.

Хуршид БЕК

Ижодкорлар: Хуршид, Знеда, Гофур, Комил

1997 йил 10 январда Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси тузилди. Айни кунларда қирқ минг азбоси бўлган мазкур ташкилот нафақат мамлакатимизда, балки чет давлатларда ҳам ўз обрўйига эга бўлиб бормоқда. Федерация президенти, ёш жонқуяр раҳбар Нурхон НАФАСОВ билан суҳбатда бўлдик.

-- Нурхон ака, федерациянинг мақсад ва вазифалари ҳақида гапириб берсангиз.

-- Федерациямиз каратэ билан шугулланувчи ҳаваскор ва профессионал спортчиларни, уларнинг жамоалари, бирлашмалари, шунингдек, ҳакамлар, мураббийлар ҳамда ишқибозларнинг бошини қовуштириш, ёш авлодни жисмоний бақувват ва соғлом этиб воёга етказиш, жисмоний тарбия ишларини такомиллаштириш ва ниҳоят, халқаро спорт ташкилотлари билан алоқаларни кенгайтириш мақсадида ташкил этилган. Мамлакатимизда каратэни ҳар томонлама ривожлантириш ва оммалаштириш, шу соҳа бўйича спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш, мусобақалар ўтказиб туриш, жаҳон соғломлаштириш тизимлари тажрибаларини ўрганиш ва уни жорий этиш юзасидан илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни ҳам вазифаларимиздан деб ҳисоблаймиз.

-- Мамлакатимиз каратэчилари шу пайтгача қандай нуфузли мусобақаларда иштирок этди?

-- Гарчанд, федерация иш фаолиятини бошлаганидан буён кўп вақт ўтмаган бўлсада бир қатор йирик тадбирларда қатнашдик. Ўтган йили Истамбул шаҳрида ўтказилган "Босфор - 98 кубоги" XI халқаро мусобақасида иштирок этдик. Мазкур тадбирда Европа, Осиё ва Африка қитъаларидаги - жами 16 давлатдан келган 500 нафар кучли спортчилар орасида ўзбек каратэчиларининг ҳам қатнашганлиги албатта, қувончлидир. Мусобақада 65 кг. вазнли ҳамюртимиз Ирина Чиркина иккинчи, ўзбек Давлат жисмоний тарбия институти толиби Хусниддин Сапов, Азамат Али Қаландаровлар эса учинчи урин ва бронза медали соҳиби бўлишди. Диёримизда 5 ва ундан катта ёшлилар ўртасида Марказий Осиё кубоги ўтказилди. Унда Ўзбекистоннинг биринчи терма жамоаси 1-уринни эгаллаб, Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионати ва Венгрияда бўладиган жаҳон кубоги мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Биз ўтган йили 12-18 октябрдан Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган каратэ бўйича XIV жаҳон чемпионати мусобақасидан ўзгача руҳда қайтдик. Дунёнинг 80 мамлакатли спортчилари орасида Ўзбекистонлик ёшларнинг ҳам ўз ўрни борлигидан биз беҳад севиндик. Тўққиз хил вазн тоифаси бўйича майдонга тушган спортчиларимиз гарчанд совринли уринларга сазовор бўлмасаларда, яхши натижаларни қўлга киритишди. 60 кг. вазнлилар орасидан Хусниддин Сапов тўртинчи, 65 кг. вазн тоифаси бўйича эса Рустамжон Қозоқов еттинчи ва Бахтиёр Розиков саккинчи уринни эгалладилар. Шундай қилиб, жаҳон чемпионати якуний ҳулосасига кўра, Ўзбекистон каратэчилари 2000 йилда Германиянинг Мюнхен шаҳрида ўтказилган XV Жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

-- Демак, мамлакатимиз каратэси ҳали ёш

бўлишига қарамадан дунё спортчилари назарига тушибди-да?

-- Шундай. Бу айниқса, 1998 йилнинг 2-7 декабрь кунлари Будапештда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган тадбирда янада ойдинлашди. Ушбу мусобақада дунёнинг 45 мамлакатидан тўрт мингдан зиёд спортчилар қатнашди. Ўзбекистон терма жамоасидан эса 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган 15 нафар спортчиларимиз юртимиз шаънини ҳимоя этишди. 13 ёшли Шерзод Иброҳимов каратэнинг

КАРАТЭ ЎЗБЕККА БЕТОНА ЭМАС



ҳам кумитэ, эса ката тури бўйича жаҳон кубоги голиби, шунингдек, Умид Мадатқулов, Отабек Қосимов, Илҳом Каримовлар эса голиблик шохсупасига кўтарилиб, олтин медаль эгаси, Саидлазиз Бурхонов кумуш медаль, Дамир Гумиров эса бронза мукофоти соҳиби бўлишди.

-- Нурхон ака, каратэни янада оммавийлаштириш йўлида қандай муаммолар бор?

-- Каратэ спорт уйинлари орасида мураккаблиги билан ажралиб туради. Уни ўзига хос жозибали санъат десак ҳам янглишмаймиз. Каратэ инсонни эпчиллик ва ҳаракатчанликка ўргатади. Қолаверса, ҳар бир инсон ўзини ўзи ҳимоя қила олишга ўрганишининг нимаси ёмон ахир. Мамлакатимизда каратэни ривожлантириш учун вилоятлардаги каратэ мактаблари, клублари ва тўғарақларини имкон борича кўпайтиришимиз керак. Бу борада Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон республикасида кўзга кўринарли ишлар қилинапти. Лекин Жиззах, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё каби вилоятларда бунга эътибор кам. Вилоят спорт кўмиталарининг мутасадди раҳбарлари уни ривожлантиришга панжа орасидан қараётир

-- Федерациянинг келгуси режалари...

-- Режаларимиз бисёр. 1999 йил мобайнида бир қатор тадбирлар ўтказиш учун ҳозирдан тайёргарлик кўриб бораёямиз. Шу йилнинг март ойида "Наврўз", августда "Мустақиллик" халқаро турнирини ва Ўзбекистон чемпионати мусобақаси ўтказишни режалаштирганмиз. Шунингдек, ёш ўсмир каратэчиларимизни Австралия, Латвияда бўладиган халқаро турнирга ва Испанияда ўтадиган чемпионат мусобақасига, катта ёшлиларни эса Туркияда ўтказилажак "Босфор - 99" тадбирига тайёрлаёямиз. Хуллас, мамлакатимиз каратэсини ривожлантириш учун астойдил курашаёямиз. Мақсадимиз ёшларни соғлом ва бақувват этиб тарбиялашдир. Менинг бирдан бир тилагим Ўзбекистон каратэсини жаҳон каратэси орасидан энг юксак поғонага олиб чиқишдир.

Меҳри ҚОСИМЖОНОВА ЭНГ ЁШ ГРОССМЕЙСТЕРНИНГ ОНАСИ

Онаникнинг машҳурлиги бўлмайди. Туққани дунёни зир титратсада у ўша оддийлиги -- оналигича қолаверади. Зероки, бир заҳматкаш аёл учун Онаданда буюкроқ, муқаддасроқ, бийронроқ сўз йўқ ёруғ жаҳонда. Суҳбатдошимиз шохмот бўйича Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилаётган, кўпчилик спортсеварларга яхши ганиш, республика ва Осиё чемпионати голиби, бир неча нуфузли мусобақалар совриндори, энг ёш гроссмейстер Рустамнинг волидаси Меҳри Қосимжонова.



-- Тўғриси, ярим куним ҳам ўғлимнинг хаёлисиз ўтмайди. Рустамжон узоққа кетса келадиган кунининг соат-дақиқасигача орзиқиб кутаман. Голиб бўлиб қайтишидан ҳам олдин бағримга соғ-саломат кириб келишини хоҳлайман. Унинг ёнида бўлмаганимдан, иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турмаганимдан афсусланаман. Ҳозир ҳам икки кўзим, икки қулоғим ойнай жаҳонда. Ишқилиб, тинчмикан дейман. Тунов куни телевизорда Рустамнинг иситмаси чиқаётганлиги ҳақидаги хабарни эшитганимдан кейин ўзимни қўярга жой тополмадим. Лекин қўнғироқ орқали гаплашганимизда, кайфиятининг яхши эканлигини, навбатдаги уйинларга тайёргарлик кўраётганлигини билганимдан кейин анча енгил тортидим.

-- Рустамнинг биринчи марта қўлга киритган ютуғини эслай оласизми?

-- Эсламан. Тошкент ва Самарқанд жамоалари ўртасидаги мусобақада ўғлим ўз жамоасини олдинги сафга олиб чиқиб, мутахассисларнинг кўзига тушган. Шундан кейин 1990 йилда 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги нуфузли тадбирда иштирок этиб, навбатдаги муваффақиятни қозонди. Сўнгра шохмот мутахассислари Рустамнинг ўйинига эътиборни кучайтирди.

-- Айнан кимлар улар?

-- Гарчанд Рустамнинг бу борадаги илк устози акаси, шохмот устаси Хуршид Қосимжонов бўлса ҳам, кашфётчи Александр Грушевский ҳисобланади. У киши ўғлимдаги қобилиятини сезгач, унга илмининг сир-синаотларини ўргатишни ўз зиммасига олди. Ҳатто маҳалламиздан олиса бўлган мактабдаги тўғаракка ҳам ўзи олиб бориб юрди. Ундан беҳад миннатдоримиз.

-- Меҳри она, фарзандингизнинг профессионал шохмотчилар сафига қўшилгандан кейинги ҳаёти қандай кечди?

-- Айтарли даражада ўзгариш бўлмади. Лекин ҳаракати олдингисига нисбатан анча кучайди. Айниқса, шахсан Юртбошимиз томонидан қўллаб-қувватланганидан кейин ўз устида янада кўпроқ ишлашга киришди.

-- Рустам хорижда юрганга кўпроқ кимни соғинаркан?

-- Биласизми, у ҳам барча йигитларга ўхшаб ички кечинмаларини билдирмасликка ҳаракат қилади. Лекин ватанини, оила аъзоларини, ҳаммамизни соғинганлигини яққол сезиб тураемиз.

-- Унинг севган қизи борми? Бўлажак келининиз қандай бўлишини хоҳлайсиз?

-- Тўғриси айтсам, Рустамжон мен учун ҳалиям ёш боладек. У билан бу мавзуда ҳеч суҳбатлашмадик. Билмадим, балки кўз остига олиб қўйгани бордир. Айтмаган.

Бўлажак келиним ҳақида гапирадиган бўлсам, албатта, энг аввало оқила бўлишини, Рустамжонга елкадош, қолаверса, ибодли, ҳаёли, латофатли бўлишини хоҳлайман.

--Рустамжон жаҳоннинг кучли шохмотчиларига рўбарў келишни тасаввур қилганмисиз?

-- Ўғлимдаги ҳаракат ва интилишларни кўриб, ният қилардим. Мана жаҳоннинг энг кучли шохмотчиларидан Гарри Каспаров билан ҳам баҳслашиш бахтига муяссар бўлди. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Рустамжон барча муваффақиятларга фақат ўзининг тинимсиз ҳаракати эвазигагина эришди. Ўзи изланди, топди. Ҳатто ўқувчилик пайтларидаёқ шохмот тўғарақларини излаб унга қатнашди.

-- Рустам рақибидан енгилса хафа бўладими?

-- Агар у уйин давомида йўл қўйган хатоларини тушуниб етса, албатта, ўздан хафа бўлади. Лекин рақиб кучли эканлигини билса унга тан беради. Ҳар бир уйин сўнггида унинг тафсилотлари билан акаси иккаласи бафуржа фикрлашади. Шу маънода Рустамнинг уйинларининг шарҳловчиси бевосита Хуршиджон ҳисобланади.

PS. Айни кунларда Рустам Қосимжонов Голландияда ўтказилаётган "Супертурнир" мусобақасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Голландиялик кучли шохмотчи Ван Вел устидан ғалаба қозongan Рустамжон америкалик Алексей Ярмолинский билан учрашувда дурранг натижага эришди. У энди болгариялик Веселин Таналов билан учрашади.

Биз унга зафар ёр бўлишини тилаймиз!

Саҳифани "Туркистон" муҳбири
Рўзибой АЗИМ тайёрлади

Улар доимо урушгани-урушган, арзимас нарсдан бошланган тортишув баъзан катта жанжалга айланиб кетарди. Шунда ака сингилни тутиб олиб калтаклар, сингил эса йиглаб-сиқтаб, сўнг дарвоза ёнида ишдан қайтадиган отасини пойлаб турарди. Отаси келибоқ, ўглини бир икки марта қаттиқ койиганидан сўнггина қизалоқ тинчиб ухлагани ётарди. Эртасига эса яна уриш-жанжал...

-- Нега бир-бирларингиз-

ратчиси кечаси айланиб юрганнида, рельслар оралигида мудраб ўтирган қизалоқни кўриб беихтиёр тўхтаб қолади. "Ярим тунда бу қиз нега поезд ўтадиган йўлда ўтирибди? Уйқусида алаҳлаб, чиқиб кетганми? Ё биров билан уришган бўлса, ёмон ният билан бу ерга келиб..." у қизалоқни кўлидан ушлаб, четга олиб чиқади. "Қаерда яшайсан, қизим. Кўрсат, уйингга олиб бориб кўрай" дейди. Шунда қизалоқ жаҳл билан кўлини тортиб олади:

Бирор марта "қизим" деб суюб, бағрингизга тортмагансиз!

Она қизи нима демоқчи эканини тушунолмади, ажабланиди. Қизи эса давом эттирди:

-- Мана бу икки синглим ҳеч тортинмай, ҳамма масалада сиз билан бемалол сирлаша олади. Мен-чи, мен нега шундай қилолмайман. Чунки булар иккови доимо сизнинг меҳрингиз паноҳида бўлган, бундай меҳр менга насиб бўлмаган. Шунинг учун мен

Кадр-қиммат

дент, шаҳарда ўқишарди. Ҳафта охирайверса, отам бозорга тушиб, мўл-кўл харид қилиб келар, онам эса тиним билмай егулик пиширарди. Улар акаларимни шу тарзда кутиб олишиб, сўнг кўларига совғасалом тутқазиб, яна шаҳарга кузатишарди. Менга эса фақат иш буюришарди, айтганларини ошиғи билан бажарсам ҳам тузукроқ гапиришмасди. Меҳнат бору, раббат йўқ. Худдики мен уларга бегонадек.

қишлоққа, опам эса шаҳарга узатилган, - деб ёзади иккинчи мактуб эгаси - Матлуба исмли келинчак. - Мен кўшнимизнинг ўглига турмушга чиққанман. Шаҳардаги опам меҳмонга келса, онам мени чақиртиради. "Қани, қозонга ўт ёқ, иссиқ нон ёп, опангни оғзи тегсин" дейди. Кўшни қишлоқдаги синглимни чақиртирадлар. Улар ичкарида қизгин суҳбат билан банд, мен эса ошхонада жоним ҳалак. Ҳеч бири "Кел, ёнимизга ўтир, сени ҳам соғинганмиз" демайди. Буям майлия, ота уйимизда гўй ё маърака бўлса, мен яқинларида туриб, узоқдаги опам ва синглимга маслаҳат солишади. Гоҳо турмуш ургоғимни олдида уяламан, гўё менинг ўз туғилган уйимда қадрим йўқлигини у ҳам сезиб-билиб тургандек. Нега шундай экан-а? Ёки яқинга тушган қизларнинг қадри йўқми? Билолмайман, шуни..."

Парапсихологияга оид мақолаларда ёзилишича, оиладаги фарзандлар қай бурж остида туғилганига қараб, феъли жиҳатидан ўзаро фарқланаркан. Жадй (тоғ эчкиси)лар оилада ўзига и з з а т - э ь т и б о р кўрсатишларини талаб этаркан. Саратон (қисқичбақа) бурждагилар "артистона" қилиқлари билан яқинлари меҳрини қозона оларкан. Далв, Хут фарзандлари ҳам дарров бошқаларга "эл бўлиб" кетишади. Ақраб (чаён)лар феъли мураккаброқ, уларга меҳр кўрсатилмаса, ўз оила аъзоларидан тобора узоқлаша бораркан. Агар уларни она ёки ота ўзига яқин олиб, сирлашиб турмаса, фарзанди "бегона"лашиб бораваркан.

Акаларим каби студент бўлганимдан кейин ҳам менга қилинадиган муомала ўзгармади. Яқинба кунлари уйимизни соғиниб келсам, онам "Ҳа, пулинг тугаб қолди?" деб кутиб оларди. Мен ҳам қадримни ўтказай деб, икки ҳафта уйга келмадим. Учинчи ҳафтасига отам ётоқхонамизга кириб борди. "Бирор ноҳўй иш қилиб қўйиб, мелисага тушиб қолдингми, деб хавотирландик", деди. Алам билан йиглаб юбордим. Ахир нега оилада менинг қадрим йўқ? Ота-онамга, акаларимга ўғай эмасман-ку? Акаларим бўлса нукул менга қочирим қилишиб, "Ота-онамга оғирлигингни солма, ҳозир кундузгиларнинг ҳаммаси ярим кунлик ишларга кириб олган" дейишади. Хуллас, яқинларим меҳрини ҳис этолмай яшайман. Нега? Тушунолмайман..."

"Синглим бошқа бир

Ўзим эшитган, ҳатто қачондир гувоҳи бўлган бу воқеалардаги муаммолар қандай ечим топаркин, деб ўйлайман гоҳо. Аскарликдан қайтган йигит синглиси билан кейинчалик қай хил муомалада бўлди? Мурғак дили озор чекиб, жонига қасд этмоқчи бўлган қизалоқ тақдири қандай кечди? Оиласидаги меҳрсизликдан кўнгли ўқиб, мактуб ёзган Тоҳир ва Матлуба-чи? Уларнинг кейинги ҳаётида бирор бурилиш бўлганмикин? «Ўз уйимга бегонаманми?» деган бирини сўроқ ётади воқеалар мазмунида. Аслида ҳам шундайми? Бунга қим жавоб беради? Сиз-чи, сиз нима дейсиз, азиз ўқувчи?!

Гулчехра ЖАМИЛОВА



ни шунчалик ёмон кўрасизлар-а? Икковинг нимани бўлишолмайсан, ўзи? - дея қайта-қайта куйинарди она.

Бир куни йигит аскарлик хизматига отланди. Қиз ўша кунда худди "душмани"дан қутилаётгандек ич-ичидан қувонди. Орадан уч ҳафтача вақт ўтиб, олислардан қизнинг номига бир мактуб келди.

"Жондан азиз синглимга соғинчи салом, - дея бошланарди бу хат. - Келганимдан бери бирон кун йўқки, сен ҳақингда ўйламаган бўлсам. Ҳатто тушларимга кирасан. Сингилжоним, сендан фақат бир нарсани ўтиниб сўрайман, шу вақтгача етказган озорларим учун мени кечир..."

Бир оилада ўсиб-улғайганлар ўртасидаги меҳр тасодифий эмас. У туғма. Томирларга қон билан сингган. Улар қаерда бўлишмасин туғишганлик меҳри бир умр ўзаро боғлаб туради. Аканинг сингилдан, опанинг укадан, ота-онанинг фарзандларидан меҳр қарзи бор... Темир йўл бекати назо-

-- Йўқ, бормайман! Уйдагиларнинг ҳаммаси мени ёмон кўришади.

Демак, масала анча жиддий. Эртасига қиз яшаётган хонадонда - унинг ота-онаси билан суҳбат қилинганда маълум бўладики, қизнинг бир укаси ва икки акаси бор экан. Болалари кичкиналигидан касалмандроқ ўсишгани учунми, она ўғилларини кўпроқ аяйди. Ота эса аксинча, "Қиз бировнинг хасми, изимда шу ўғилларим қолади" деб уларни ортиқча эркалатади, оғзидан чиққанини муҳайё қилади. Гоҳо у укаси ё акалари билан тортишиб қолса, она кўпроқ қизини койийди, қиз ҳақ бўлса-да, унга "сен айбдорсан!" дейди. Оиладаги бундай нотенгликка чидолмаган аламзада қиз ярим тунда уйдан чиқиб кетади.

Учинчи бир воқеа. Турли жойларга турмушга узатилган қизлар байрам баҳона ота уйига йигилишади. Ўша куни уч қиз оналари ёнида қолиб, узоқ суҳбат қилишади. Шунда қизларнинг энг каттаси онага гина аралаш дейди:

-- Сиз мени болалагимда ҳеч қачон эркалатмагансиз.

сиз билан буларчалик диллашолмайман. Худдики орамизда бегоналик пардаси тургандай...

Она узоқ ўйланиб қолади. Чиндан ҳам, катта қизини ҳеч суюб-алқаманган. Бирор мартаям тиззасига ўтқазиб, сочларини силамаган. Сабаби, болалари бир-биридан ёш, она туну-кун шуларнинг қарови билан банд эди. Бунинг устига маҳаллада йигин-маърака, тўй, байрамларда қариндошлар йўқлови, у шу ташвишлар ичра елиб югурар, катта қизи эса рўзгорнинг жами юмушларини ўз зиммасига олганди. Ахир бир куни келиб қизи унга таъна қилишини ўйлаб кўрганмиди, она. Йўқ, ҳеч ўйлаб кўрмаган...

Анча йиллар бурун таҳририятга келган хатларни саралаётиб, галати аҳволга тушганман. Гарчи турли жойлардан келган бўлса-да, мазмунан бир-бирига ўхшаш бўлган икки мактуб мени жуда таъсирлантирганди.

"Менга уйдаги энг қора ишларни буюришарди, - деб ёзарди Тоҳир исмли йигит. - Молҳолга қараш борми, ер чопиш борми, ҳаммасини ҳеч оғринмай қилаверардим. Икки акам сту-

КАНДАКОРЛИКНИ АРДОҚЛАБ

Тошкентнинг "Халқлар дўстлиги" майдони ён томонига жойлашган мейморий обида Саид Абулқосим мадрасасига кириб борсангиз, унинг ҳовлисини гир айланиб ўраб турган икки қаватли бинонинг юқорисида жойлашган хужраларнинг биридан бир маромда тақиллаган овоз келиб туради. Ичкарида кўлида кунда ва болғача ушлаган йигит мис ликопчага нақш ўйиб ўтирар ва ниҳоятда ўз ишига берилиб кетганлигидан кириб борганимизни ҳам сезмади. У ўзини Асҳад Назиров деб таништирди.

-- Асҳад, мисгарлик, кандакорлик хунарига қандай қизиқиб қолгансиз?

-- Болалигимдан расм чизиш, ёғочдан, темир-терсақдан ҳар хил буюмлар ясашга қизиқардим. Агар биронта ишим кўнглимдагидек чикмаса ҳайкалтарош қариндошимиз Қодирбек Салоҳиддиновдан маслаҳат сўрадим. Мактабни битирганимдан сўнг кандакор уста Мақсуд Мадалиевга шогирд тушдим. Уста менга бу хунарни фахрли ва шу билан бирга машаққатли эканлигини айтди. Ишни қорозга нақш эле-

ментларини чизишдан бошладим. Беш ой деганда кўлим анча келиб қолди. Шундан сўнггина устозим менинг кўлимга биринчи бор кунда тутқазиб, мисга гул чизишни ўргата бошлади. Аввал алюмин парчасига нақш ўйиб, кейинчалик секин-аста мис ва жез тунукаларга содда нақшлар тушириб ўйиб юрдим. Шу билан бирга уста бажарётган мисгарлик ва кандакорлик амалларини кўриб кўзим пишиб борди. Бир йил давомида кандакорлик ишлари бўйича маълум малака ҳосил қилдим. Ҳар бир касбнинг ўз машаққати бўлганидек, мисгарлику ва кандакорликнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Кандакорликни ёғоч ўймакорлиги билан таққослаганда, ёғоч ўйишда тахминан 30 хил ўювчи исканалар ишлатилади. Кандакорликда эса 3-4 хил асбоб орқали мис юзасига нақшлар ишланади. Бунда кундани ҳар

турдаги нақш чизиқларига тушириш учун эҳтиёткорлик ва маҳорат билан бутун диққатни бир ерга тўплаган ҳолда ишлаш ва болғани бир маромда уриб туриш лозим бўлади. Албатта бу ҳаракатлар кишидан сабр, кучли чидам ва иродани талаб қилади.

Уста ўзи томонидан бажарилувчи кандакорлик ишларида ислими, бодомча, гирих сингари нақш турларидан фойдаланган ҳолда бу нақшларни бир-бири билан уйғунлаштирган тарзда манзара яратади. Ана шу тарзда ишланаётган баркашлар, коса, ликобча, лаганлар, пиёла, дашуй, ёритғич, шамдон каби буюмлар ўз харидорларини кутмоқда. Бундан ташқари мис ва жездан қутичалар, қаламдон ва сандиқчалар ҳам ишланганки, улар ҳар қандай харидорни ўзига маҳдиё қилади.



Мен Асҳад Назиров устахонасидан чиқар эканман, халқимизнинг қадимий ва ажойиб кандакорлик санъатини давом эттириб, такомиллаштирган ҳолда уни келгуси авлодларга етказиш учун ижодий меҳнат қилаётган усталаримиз борлигидан қувондим. Миллий хунарманчилигимиз ишончли кўлларда эканлигига яна бир бор қониқиб ҳосил қилдим.

Баҳодир ИЛЁСОВ

-- Мен сизни барибир топаман!
Тахминнинг бу сўзлари қулоғим остида ҳамон жаранглайди. Бирок, ўшандан кейин биз бошқа кўришолмадик. Эҳтимол, ўша гурбатли, гамгин ва изтиробли, рутубатли ҳасрат кечасини эндиликда кўним билан яшаётган, аммо ўзини қуршаб турган мастона муҳит қобиғида яна сохталик, ҳавойиллик, кечириб бўлмас разолат яширинганидан беҳабар Тахмина ўз хотирасидан батамом ўчириб ташлагандир.
Лекин мен уни унутолмадим. Бунга кўника олмадим. Уйларимда, хаёларимда, кўпинча уйқусиз, безовта тунларимда Тахмина кўз олдимда қайтадан жонланади. У билан хаёлан сўзлашаман, унинг ўтли ва ишвали нигоҳлари, гоҳ соддалик, гоҳ маккорлик билан синовчан боқишлари, жарангли кулишлари мени тарқ этмайди. Гумроҳ ва бахтиқаро кизнинг аламли, ситамли кечинмалари юрагимни ҳамон тирнайди.

Ахийри бўлмади. Тахминани ўзим қидириб топмоққа аҳд қилдим. Хаёлимда ўз жигарбандимдек бўлиб қолган ўша дайди кизнинг кейинги саргузаштлари ва қисматидан воқиф бўлмоқ ниятида йўлга чиқдим. Ва ниҳоят, энди Тахминанинг эмас, балки Тахмина ҳақидаги менинг ҳасратларим қоғоз бетига тушди...

БИРИНЧИ БОБ

Эрталаб эндигина иш бошлаган "Тахмина" жавоҳирот мағозасига ўйчан ва ҳорғин қиёфада вазмин қадам ташлаб, йигирма беш ёшлар чамасидаги бир йигит кириб келди. Қўлида ранги ўчган ихчам жомадон, ташқарида май ҳавоси дурустгина на исита бошлаганига қарамай, энди анча уннаб қолган плашининг учала тугмасини ҳам қадаб олган, бўйнида галстук, оёғида тумшуги тўмтоқ эскироқ жигаранг туфли. Ўзи оқсарикдан келган, барваста гавдали, бироқ кўнғироқсоч яланг бошини ҳиёл эгик тутиб, атрофга аллақандай ҳазин ва ўйчан боқишдан бу йигитни ё хастароқ, ёки бўлмаса, кифтида бирон мушкулот юки бор, деб гумон қилиш мумкин эди.

Мағоза ичида ҳали биронта харидор йўқлигида ана шу ғайриоддий, афт-ангоридан бу ерликка ўхшамайроқ турган бегона ёш эркекнинг кириб келиши ташқарига хаёл сурганча термулиб ўтирган кўхликкина сотувчи кизни сергак тортирди. Бирок йигит пештахта ортида гунча лабларини қимтиб, унга ҳадик аралаш жим тикилиб турган бу кизга мутлақо лоқайд бир қиёфада яқинлашиб, унга мулоимлик билан муро-

жаат қилди:
-- Кечирасиз, синглим. Мен... Тахминани кўрмакчидим.
Сотувчи киз бироз энгил тортиб тандайд бўлди.
Бирок йигитнинг "ҳафсалани пир қилувчи" уст-бошига зимдан кўз югуртириб оларкан, бир дам икки л а н и б қолди. Кейин нотанишининг ҳамон ўзига илтижоли боқиб турганидан ноилождек, жавоб қайтарди:

-- Тахмина хоним бугун ишда йўқлар, дам оляптилар.
-- У ҳолда, менга унинг уй адреси ёки телефонини беролмайсизми?
-- Кечирасиз, бунинг иложи йўқ.
-- Эҳтимол, унга ўзингиз телефон қиларсиз?
Сотувчи киз бу одам билан ортиқча "пачакилашиб" ўтиришни лозим топмади. Бурчакдаги қизил духобали парда тортиб қўйилган томонга юзланиб, кўнғироқ овозда қақирди?

-- Наталья, вийди на минутку!
Бир дам ўтмай, ичкаридан мини юбкада хўп келишимли, дўмбоққина, тилларанг қўқоқ сочи елкасини қоплаб турган, ёши каттароқ бир ўрис киз чиқди.
-- Чо Гулбахор? - у шундай дея,

қаршисида турган бегона йигитга юзланди ва энди соф ўзбекча талаффузда сўради: -- Сизга нима керак, акажон?
Йигит ўрис қизнинг шакар-гуфторлигидан завқланиб, кўзлари хиёл қисилгандек бўлди:
-- Менга...
Бирок мақсадга кўчолмади. Гулбахор гап нимадалигини ўрис қизга айтиб қўя қолди. Шундан кейин Наталья ҳам йигитга сезилар-сезилмас шубҳали назар ташлаб, илова қилди:

сизга ким бўлади?
-- Мен... Ўша аёлниг ўғли Акмал бўламан. Узоқдан келаяпман. Чарчаганман. Эртагача кутишнинг иложи йўқ, мени тушунинглар.
Қизлар аввалига бир-бирига маъноли боқиб қўйишди-да, кейин сира кутилмаганда булутли осмонда бирданига офтоб чарақлаб кетгандек бўлди.
-- Шунинг илгарироқ айтсангиз бўлмайди? Сурайё холага йўл очик. Мен ҳозироқ адресларини ёзиб бераман. Онангиз жаноб Мумтозбекнинг Оқсарой деган жойдаги ҳовлисига яшайдилар.

Уни ўз парқуварига қайси бир чаманзорлар оша беозор кўтариб, мастона элтиб бораётган ботиний ширин хаёллар эса, ана шу ҳоловат сели билан қоришиб, томирларига бу вақт қон эмас, гўё олов югуриб тургандек эди.
-- Тахмина...
-- Нима дейсан?...
-- Биз энди... Менга тегасанми?
Мен унинг ёниб турган кўзларига меҳр билан, эҳтирос билан боқаман. Аста кўлимни олиб бориб унинг юзларини, жингалак сочларини силаб-сийпалайман.
-- Тегмасамчи? Шундоқ ўртоқ бўлибми, ака-сингил бўлиб қолаверсамчи?
-- Йўқ, мен сени яхши кўриб қолганман. -Акмал энди мен томонга яқинроқ сурилиб, бир қўлини белимга ташлайди. Мен индамайман. Унинг бу иши менга хуш ёқди.
-- Мен ҳам... мен ҳам сени яхши кўриб қолганман. Лекин...
-- Нима лекин? - у энди оёқларим устига бир оёғини ташлайди. Унинг бутун вужуди, овози ҳам титраб турибди. Ўзим ҳам шундай.
-- Мени... сендан олдин биттаси... алдаб кетган.
-- Қўй бу гапларни. Алдаб кетган бўлса, кетиб бўпти. Мен сени дейман.
У мени ўзи оғушига тортади, биз энди қовушиб-чирмашиб, ўпиша бошлаймиз. Мен унинг вужудиغا сингиб кетганман...

Ҳозир Тахминанинг хаёлида бир вақтлар ўз бошидан кечирган, юрагига бир умр муҳрланиб қолган ана шу лаззатли лаҳзалар бежиз жонланаётгани йўқ эди. Бугун тонгта яқин ғалати бир туш қўрди. Аллақерда тумонат одам тўпланган, ўртада қий-чув, йиғисиги овози эшитилиб турганмиш. Тахмина биргина ичқўйлақда, ялангоёқ эмиш. Дир-дир титрабмиш. Ваҳимадан нафаси бўғизга тикилган одамлар тўдасини ёриб ўтиб, йўл устида ўзларининг "Мерседес" и ловуллаб ёниб турганмиш. Халойиқ энди Тахминани кўриб, йиғи-сиги ўрнига, ўртада катта гулхан ёнапти-ю, унинг атрофида келин-куёв айланаётгандек, қарсақ чалиниб, "ёр-ёр" айтишяётганмиш.
(Давоми бор)

СОЛИХ ҚАҲҲОР

ДАЙДИ КИЗНИНГ ҲАСРАТ КЕЧАСИ

Иккинчи китобдан



-- Биз хонимни дам олиш кўни безовта қилолмаймиз. Йигит кутилмаган бу ҳолдан бир дам каловланиб қолди. Кейин яна илтмос қилди:
-- Ҳеч бўлмаса, унинг эри Мумтоз амакини қаердан топиш мумкинлигини айтсангиз.
-- Мумтозбек жанобларининг иш жойларини билмаймиз. Эртага келинг. Тахмина хоним шу ерда бўладилар.
Наталья шундай дея ортига бурилиб, яна ичкарига кириб кетмоқчи бўлудики, йигит уни тўхтатди:
-- Мумтозбек жаноблари менинг қариндошим бўладилар. Уларнинг уйларида Сурайё деган аёл яшайди, балки танирсизлар?
-- Ҳа, таниймиз. -Наталья билан Гулбахор беихтиёр кўз уриштириб олишди. -- У аёл

бир "Сурайё холанинг ўғли" эканлигидан мана шу кибру ҳаволи кизларда ортиқча ачиниш ва шафқат ҳиссини уйғотиб қўймаслик учун ўзини қўлга олди. Мағоза витриналарини тўлдириб турган қимматбаҳо буюмларга бепарво кўз югуртираркан, яқинлашиб келаётган роят интиқли, қувончи ва шу билан бирга, жиддий ва изтиробли учрашувнинг ҳажжони, титроғи вужудини қамраб олаётганини ҳис этди.

ИККИНЧИ БОБ

Телефон жиринглади.
Мовийранг чўнг ванна ичида бўйнигача зилол сувга чўмиб, узола тушиб ётган Тахмина кўнғироққа эътибор бермади. Ҳатто кўзларини хиёл очиб ҳам қўймади. Шу тобда у фараҳли туйғу, аллақандай ёқимли бир оғуш тафтидан беҳол ва сармаст

Кўнгил мўъжизаси

МЕН КўПЛАРМАН ШАРҚ ҚАЁШИНИ

Қаранг, яна ошиқ бўлиб қолибман,
Яна кўзларимда гуллар жилоси.
Юрагим ўйнашар ҳисларим билан.
Яна вужудимда ишқнинг имлоси.

Энди мен ошиқман ҳаёт жомига,
Сипқориб, сипқориб ичгим келади.
Кеча сўз айттардим кизлар номига,
Бугун юрагимнинг ташовиш, тилаги.

Мана, янроқ кўрдим ҳиллаб турган,
Севиб қолдим унинг титроқ ҳолини.
Тўртгина хас ташлаб ноёб ин қурган,
Севдим мусичанинг тавқи ҳолини.

Бутча ширин ҳаёт билган эмасман,
Ҳали ёзганим йўқ сўнги сўзимни.
Бедор китобхоним, қачон эласанг,
Демак сен оғайсан юмуқ кўзимни.

Бир қадар ҳайрат-ла ўйлаб қарасам,
Ишқим тушган экан ўша шеърхонга.
Шир жоним билан ичгайман қасам,
Ҳеч нарса тенг келмас шу ширин жонга.

Қатра-қатра тўқиб кўздан ёшини,
Ҳар тонг келар қушлар қабрим бошига.
Мен кутиб ётарман Шарқ қуёшини,
Тасаннолар айтиб дил бардошига.

Минг йиллар ҳам ўтар киприклар қоқиб,
Не бир авлодлар ҳам келар дунёга.

Силсиллада мен ҳам бўғимлик ҳақи,
Ёдга олирман фоний дунёда.

Арастулар қабрдан кўзюлар бир бор,
Синолар тутқазар мангулик сувин.
«Туринг» деб Машҳардан келганда
Заминжон, бағрингдан қилмагин кўвгин.

Майли, ҳамма кетсин Арши-Аълога,
Биргина мен учун айлагин шафқат.
Майли мен Ёлвораё қодир Худога,
Ватан тупроғида қолайин фақат.

Кўлга қалам олиб шеър ёзмоқ бўлдим,
Ёдга тушди шунда Алларнинг руҳи.
Кўзларим қувончдан ёшларга тўлди,
Ҳарқалай қалбимда Ватан шукҳи.

Кўзимга ҳар бир барг дилбанд кўринди,
Мен Ватан сиймосин кўрдим уларда.
Шу Ватан эрки деб жон берганларни,
Тирик деб ҳис қилдим тирик жонларда.

Боболарим тирик тарих қағрида,
Бугун биз қуёшни алалаймиз шод.
Яйраймиз Ватанинг иссиқ бағрида,
Ватан келажоғи ўсмоқда обод.

Хуш ўсган зурриёд, боболар ҳақи,
Шу Ватан тупроғин айлагин тавоф.
Тарихдан ўчмаса шу ўзбек халқи,
Биз учун дунёда энг катта савоб.

Махмуд ЙЎЛДОШЕВ

Остона

Кейинги беш-олти йил ичида Фарғона водийсида кўплаб ёш хонандалар ўзининг дилбар қўшиқлари билан эл оғизга тушдилар. Тоҳирбек Маҳкамов, Хуршид Расулов, Баҳодир Мамажонов, Шавкатжон Солиев... Бу ёшларнинг барча қўшиқларини ҳам бадий савияси жиҳатдан мукамал дея олмаслик ҳам, улардаги жозиба, самимий дард, маҳзун кайфият, энг олийси эса ўзига хошлик киши руҳиятига баҳорий илиқлик олиб киради.

Ана шундай тинмай изланаётган ёш хонандалардан бири тўрақўрғонлик Баҳодир ҲОШИМОВдир. "Қайсаргинам" қўшиғи

"БАРИБИР ЎЗИНГГА ЕТМАЙДИ..."

билан бутун водий ёшлари орасида машҳур бўлган.

-- Баҳодир ака, санъаткорларга биринчи бериладиган саволи биласизми?

-- Биламан, санъатга қандай кириб келгансиз?

-- Тондигиз.

-- Бирор мусиқа мактабида таҳсил олманман. Мактабда мусиқа дарси ўтилгани ҳам эсимда йўқ. Лекин 6-7-синфда ўқиб юрганмизда 3-4 та болалар билан ўзимизча даста тузиб, тadbирлар ўтказиб турардик. Секин-аста соз чалишни ўрганиб олдим. Ҳозир барча қўшиқларимга ўзим қуй басталайман.

-- Қўшиқларингизга шеърни қандай таллайсиз? Қайси шоирлар билан ҳамкорлик қиласиз? Умуман, шеърингиз муносабатингиз қанақа?

-- Ростини, яхши бадий асар жону дилим. Яхши шеърни қаерда учратмай, ўқишга шошиланман.

Кўпроқ ҳаваскор шоирларнинг шеърларидан фойдаланаман. Енимиздаги Гулқилшоқда Мадина деган ажойиб шоира синглимиз бор. Яна бордимиқул Нодир ака ва Садулла деган дўстимизнинг шеърлари ҳам самимий ва дилга яқин. Роза Шокирова деган журналист опамизнинг шеърлари ҳам маъқул.

-- Нега машҳур шоирларга мурожаат қилмайсиз?

-- Ҳаваскор шоирлар шеърда самимият кучли, менинг назаримда. Одамнинг кўнглига тез йўл топади.

-- "Қайсаргинам" деган қўшиғингиз ҳозир роса машҳур бўлиб кетди. Шу қўшиқнинг яратилши қандай бўлган?

-- У чиндан ҳам муҳлисларга маъқул тушди шекилли, у ёқ-бу ёққа тўйга борсақ шуни кўп талаб қилишади. Ўтган йили Наврўз байрами кўни туман марказида бир шоир бола билан учрашганимда, у: "маъқул бўлса қўшиқ қилинг", деб шеърини берган эди. Бироз ўтиб қаттиқ касал бўлиб, 3-4 ой шифохонада ётдим. Қайсидир байрам баҳонасида уйга олиб келишди. Кўпдан бери мусиқа асбобимни чалмаганимдан роса соғиниб қолгандим. Касал бўлишимга қарамай, "ямаха" мни чалиб

ўтириб шу қўшиқни ёздим.

-- Энг яхши кўрган қўшиғингиз?

-- "Ўзингга етмайди" деган қўшиғим. Сўзи ҳам содда, йўли ҳам. Қаранг:

Дилимни армон тарқ этмайди,
Гул юзинг хаёдан кетмайди.
Қанчалар гўзалдир бошқа киз
Бари бир ўзингга етмайди.

-- Қайси қўшиқчиларга ҳавас қиласиз?

-- Дилфуза Раҳимованинг қўшиқлари менга жуда ёқди.

-- Бўш вақтларингиз қандай ўтади?

-- Холи қолдим дегунча кўлимга китоб оламан. Жаҳон адабиёти дурдоналари, қолаверса, ўзбек адаблари асарларини ўқиб таъсирланаман ва шу кайфиятда янги қуй хаёлимга келиб, шу қуйга мос шеър излаб қоламан. Шундай қилиб янги қўшиқ пайдо бўлади.

-- Қўшиқчи бўлмаганингизда қайси касбни эгаллардингиз?

-- Балки врач бўлардим. Лекин ўзимни қўшиқсиз тасаввур қилолмайман. Қўшиқ одамнинг дардини чиқариб ташлайдиган восита, олоҳий неъмат.

-- Орузларингиз?

-- Яхши қўшиқлар яратиб, эл меҳрини қозониш. Ўзбек миллий эстрадасига муносиб ҳисса қўиш.

А. РАЙИМОВ

Ироқ ҳукумати Америка томонидан ўққа тутилган жанубий Басра шаҳрида 11 киши ҳалок бўлгани ва ўнлаб одамлар жароҳатланганлигини таъкидламоқда. Шунингдек, Пентагон маъмурияти ҳам кечаги ҳаво ҳужумлари мўлжалдан бир неча километр нотўғри кетганлигини тан олди. Араб Лигаси раҳбарияти ва БМТ бош қотиби Кофи Аннан жабрланганларга ҳамдардлик билдирди. Аини пайтда жаноб Аннан Ироқ Оммавий қирғин қуролларини йўқотиш комиссиясининг 260 саҳифалик ҳужжатларини Хавфсизлик кенгашига тақдим этиш мақсадида Брюсселга ташриф буюрди.

Иордания қироли Хусайн катта ўғли 36 ёшли Абдуллани расман ўзининг валиаҳди деб эълон қилди. Бу билан 1965 йилдан бери Иордания Ҳошимийлар Қироллиги тахтининг вориси саналиб келинаётган қиролнинг укаси Ҳасан ўз ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

Индонезия ҳукумати ички таркибиде катта ўзгаришлар рўй берадиганга ўхшайди. Мамлакат президенти Бурҳониддин Юсуф Ҳабибий шу йил июнь ойида ўтказилиши режалаштирилган парламент сайловлари арафасида барча давлат хизматчиларини сиёсий партиялардан ўчириш тўғрисидаги қарорга имзо чекди. Албатта бу қарор мамлакатдаги бир қатор сиёсий партиялар мавқеига қаттиқ зарба берди. Аини пайтда, июнь ойида бўлиб ўтадиган сайлов қонунларини ишлаб чиқаётган кўмитанинг маълум қилишича, янги қонунга кўра Индонезия ҳарбийларининг мамлакат парламентидаги ўрни ҳам қисқаради.


Комбожада 2 миллион кишининг ўлимида айбланаётган Қизил Кхмерлар раҳбарлари устидан суд жараёнини бошлаш ёки бошламаслик тўғрисида аҳоли ўртасида умумий сўров ўтказилди. Унга кўра мамлакат аҳолисининг 81,1

фоизи жиноятчилар қилмишларига яраша жазо олишини талаб қилганлар, 5,9 фоизи эса бунга қарши чиққан. Сўров натижалари ҳам, Кхмерлар ҳам ҳукумат расмий доиралари учун қутилмаган бахтсизлик бўлди дейиш мумкин. Чунки улар Пол Потнинг ўлимидан сўнг зудлик билан тил топишган эдилар.

Араб Лигаси давлатларининг Ироқ масаласи бўйича Қоҳирада бўлиб ўтган йиғилишидан сўнг АҚШ ҳукумати ҳам мазкур муаммога ўз муносабатини баён қилди. Қоҳирада Миср Ташқи Ишлар вазири Амр Мусо билан музокаралар олиб борган АҚШ давлат қотиби Мадлен Олбрайт матбуот конференциясида АҚШ ҳукумати н и н г И р о қ қ ў ш н и давлатлар хавфсизлигини ва мамлакатда барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳарбийлар назоратини янада кенгроқ усулда давом эттиришини билдирди. Шунингдек, Миср-Ироқ ҳарбий самолётларининг парвози таъқиқланган ҳудудда АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари назоратининг кучайтирилишини маъқуллаган.

Мисрда автобус фалокатга учраши натижасида 23 киши ҳалок бўлди. 21 киши жиддий жароҳатланди. Аини фалокат юзасидан олиб борилаётган текширувлардан маълум бўлишича, автобус ҳайдовчиси ўз назоратини йўқотиб қўйган. Шунинг таъкидлаш керакки, Миср дунёдаги йўл ҳаракати фожеалари энг кўп содир бўладиган мамлакатлардан биридир. Бу бахтсиз ҳодиса сўнгги бир ой ичида кўплаб кишилар жабр кўрган бешинчи нохуш ҳолатдир.

Америка Қўшма Штатлари



президенти ўз лавозимини сақлаб қола оладими? Бунинг учун эса 50 га яқин сенаторнинг овоз бериши лозим бўлади. Ўз навбатида Республикачилар гувоҳлар қақарилиб, муҳокама жараёнини давом эттиришни талаб қилишмоқда. Уларнинг айниқса, Моника Левинскининг берахак гувоҳлиги кўпроқ қизиқтирапти.


Хитой маъмурияти мамлакат ҳаётига Интернет компьютер тармоғи тобора кенг кириб бораётганлигидан хавотирланмоқда. Хитойда ўтган йили 2 миллиондан ортиқ одам Интернетдан фойдаланган. Мутахассисларнинг айтишича, келаси йили уларнинг сони ўн миллионга етади. Аини пайтда Интернетдан фойдаланувчиларнинг бу қадар тез кўпайиб бориши мамлакат хавфсизлигига зарар етказиб, ноқонуний сиёсий фаолиятларга йўл очаяпти. Баъзи диссидентлар Интернетга Хитой ҳукумати манфаатлари

га зид маълумотларни ҳам киритмоқда. Бундай ноқонуний фаолиятларни тўхтатиш учун Хитой маъмурияти Интернетдан фойдаланувчилар ва таъминловчилар устидан жиддий назорат ўрнатишга киришапти.

Исроилнинг собиқ муҳофа вазири Исҳоқ Мордехай Ликуд партияси сафидан чиқарилгач, шу йилнинг май ойида бўлиб ўтажак сайловларда бош вазирликка ўз номзодини кўйиш нияти борлигини билдирди. Аини пайтда Исроил кўчаларида Исҳоқ Мордехайнинг вазифасидан озод қилинишига қарши намойишлар бўлиб ўтмоқда.

Сурия пойтахти Дамашқда мамлакатни 28 йилдан бери бошқариб келаётган президент Ҳафиз Ал-Асадни қўллаб-қувватловчи намойишлар бўлиб ўтмоқда. Намойишга чиққан 10 минглаб кишилар уни яна бир бор президентликка сайланишини ёқлаб чиқмоқдалар.

Конго пойтахти Браззавилда бир қадар осойишта вазият ҳукм суриб, дўконлар ва жамоат ташкилотлари иш бошлади. Куч билан олиб ташланган бош вазир Бернард Кобеласу тарафдорлари ва ҳукумат кўшинлари ўртасидаги шиддатли тўқнашувларда исёнчиларни пойтахтдан 15 километр суриб чиқаришга эришилган эди.



БОШҚОҶИРМА

ЭНИГА:

1. Икки унли товушнинг бирикиб, битта бўгин тарзда талаффуз этилиши.
4. Иш кийими.
8. Бирор жонивор (қуш, ҳайвон) ни тирик тутиш мақсадида қўйиладиган тузоқ.
9. Самарқанд вилоятидаги сой.
10. Кишилиқ жамияти томонидан авлодга қолдириладиган ёзма ёдгорлик.
12. Отиш қуроли.
13. Татаристон Республикасининг пойтахти.
15. Фотоаппарат ишлаб чиқарувчи фирманинг номи.
17. Ер харитаси.
19. Уйғур шоири.
22. Шифобахш суюқлик.
23. Қашқадарё вилояти, Яқкабоғ туманидаги қишлоқ.
25. Европанинг жанубида жойлашган порт шаҳар.
26. Макакалар ажлодига мансуб тор бурунли маймун.
27. Нақш тури.
28. Пахта момиги ёки пилладан ип йиғириш ва пишитишда ишлатиладиган асбоб.
31. Одам ва ҳайвон организмда ҳаракатланувчи тўқима.
33. Муайян қарорни муваффақиятли амалга оширишни таъминловчи иродавий ҳислат.
34. Оптик механик қурилма.

БҮЙИГА:

2. Инсоннинг кашф этиш фаолияти.
3. Ҳиндистондаги дарё.
4. Кулолчиликда ранг беришда қўлланиладиган идиш.
5. Фан бўйича йирик мутахассис.
6. Олтин Ўрда хони.
7. Римлик врач, табиатшунос.
11. Дзю-до курашида бериладиган очко.
12. Яхна ичимлик.
14. Эртапишар қовун нави.
16. Ишқмас одам.
18. Доира усуллари.
20. Эроннинг жанубий қисмидаги маъмурий вилоят.
21. Ўт очиш тури.
22. Ярим худо даражасига кўтарилган афсонавий шахс.
24. Кутаиси шаҳри яқинидаги сўнгги полсолит ғори.
28. Куч ўлчов бирлиги.
29. Капалаклар личинкасининг иккинчи номи.
30. Ширинлик тури.
32. Шашмақом таркибидаги мақом.

Тузувчи: Қобил НОРМУРОДОВ, Қашқадарё вилояти, Қамашидеги агро-бизнес коллежи ўқитувчиси

ХАТИНГИЗ ФЕЪЛ АТВОРИНГИЗ

* Агар ҳарфларни катта-катта, сал сакратиб ёзсангиз, ишонамизки, сиз кўнгли очик, дилкаш одамсиз.

* Мабодо худди ўқувчиларга ўхшаб равон ёзсангиз -- унда сиз ўз ақли ўзига етгунча, ҳамма билан ҳисоблашабермайдиган ҳислатларга эгасиз.

* Техника маълумотига эга одамлар худди чизмакашларга ўхшаб, ҳарфларни бир-бирига уламай ёзишади.

* Жуда жимжимадор имзо қўйишга интилувчиларнинг барчасини ҳам ақдли деб бўлмайди. Уларнинг айримлари ўзига бино қўйган кишилардир.

* Кўнгли очик, одми одамлар фамилияларини тушунарли қилиб имзо чекадилар.

* Кексалар хат ёзганларида одатда "Я" ва "Т" ҳарфлари сатрдан "бош кўтариб" туради. Ёшлар қариялар хатини қалбакилаштира олмайдилар. Чунки кексалар ёзганда кўллари қалтирайди.

* Агарда сиз олган мактубда сўзлар саҳифанинг гоҳ у, гоҳ бу томонига бетартиб ёзилган ва у турли суратлар билан безатилган, ёки фикрлар ҳар хил қоғозларга ёзилган бўлса хафа бўлмангу, у ҳолда сизга хат битган киши сал ақли заифроқ бўлади.

* Хат ёзаётганингизда хаёлингиз бўлиниб, думалоқ чизиқлар чиза бошласангиз, у ҳолда сиз бағри кенг, оғирбосиқ феъл-атвор соҳибисиз. Агарда беихтиёр чизиқлар чиза бошласангиз, демек кўнглингизни кимдир безовта қилаётир.

* Уришқоқ ва сержаҳл кишилар қоғоз бетига учбурчаклар чизишни ёқтиришади.

НОМУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

(1 февралдан
7 февралгача)


ҲАМАЛ. Душанба ва сешанба кунлари кўпдан буюн қутилаётган янгиликдан воқиф бўласиз. Чоршанбада сирли учрашув. Пайшанбадан кўнгирак кутинг. Жума кунини ҳамёнингиз тўлади. Шанбада асабларни асранг. Якшанбада яхши дам олинг.

САВР. Ҳафта боши қувончли дақиқаларга бой бўлади. Чоршанбадаги харид оила аъзоларингизга ҳам маъқул тушади. Пайшанба баракали кун. Жумала ишлар -- о'кеи. Шанба ва якшанба сиз кутгандек ўтади.

ЖАВЗО. Энг муҳим ишларингизни душанба ва сешанбада битириб олинг. Харид учун эса қулай кун -- чоршанба. Пайшанбада нимаданир қаттиқ ҳаяжонланасиз. Жума қувончли оиларга сабаб бўлади. Шанбада ошиқлар учрашуви. Якшанбада бироз хафа бўлиб қолишингиз мумкин.

САРАТОН. Душанбада узоқдан хабар эшитасиз. Сешанба кунини соғингиз учун қайғуринг. Чоршанбада алданиб қолманг. Пайшанбада ҳамёнингиз тўлади. Жума қувончга тула кун. Шанбада кўнгилисизликлардан эҳтиёт бўлинг. Якшанбада яхши дам олинг.

АСАД. Ҳафта сиз учун бироз кўнгилисизликлар билан бошланади. Чоршанба кунини соғингизни ўйланг. Пай-



шанбада сизни хафа қилишлари мумкин, лекин тушқунликка тушманг, жума ва шанба кунлари яқин одамнингиз билан учрашасиз. Якшанбада оиланингиздаги жиддий вазиятни бартараф этишга ҳаракат қилинг.

СУНБУЛА. Душанбада ҳамма ишда омадингиз юришади. Сешанба шартномалар тузишга қулай кун. Чоршанба ва пайшанба кунлари сизни алдаб кетишларидан эҳтиёт бўлинг. Жумала хушхабар эшитасиз. Шанба кунини спорт билан шугуллангиз. Якшанбада икки-чакирларга аҳамият бермасдан, яхши дам олинг.

МЕЗОН. Душанбадан ранжиманг. Сешанбада кўнгили учрашув. Чоршанба харидингиздан кўнглингиз тўлади. Пайшанбада зиддиятли вазиятдан йироқ бўлинг. Жума кунини соғингизга эътибор беринг. Шанба ҳамкорлар билан шартнома тузишга қулай кун. Якшанба кунини қилган харидингиз оила аъзоларингизни ҳам хушнуд этади.

АҚРАБ. Душанбада узоқдан кўнгирак кутинг. Сешанба зиддиятли кун. Чоршанба кунини алданиб қолманг. Пайшанба ва якшанба ҳамёнингиз тўлади. Жума ва шанба кунлари дўстлар билан учрашасиз. Якшанба яна ҳамёнингиз учун баракали кун.

ҚАВС. Душанба кунини яқин одамнингизнинг дил сўзлари фақат сиз учун. Сешанба ва чоршанба битимлар тузиш учун қулай. Пайшанбада янгилик эшитасиз. Жумала моддий жиҳатдан яхши кун. Шанбада яхши дам оласиз. Якшанба кунини алданиб қолманг.

ЖАДЪИ. Ҳафта сиз учун унумли бошланади. Сешанба яқинларингиз атрофида бўлинг. Чоршанба кунини ишларингиз бароридан келди. Пайшанбада маида гапларга аҳамият берманг. Жума ва шанба самарали ижод учун қулай. Якшанбада оила аъзоларингиз даврасида дам олинг.

ДАЛВ. Душанба кунини сирли учрашув. Сешанбада ҳамёнингиз тўлиши кутилмоқда. Чоршанба дўстларингиз билан ўтади. Пайшанба кунини тушқунликка тушманг. Дам олиш кунлари соғингизга жиддий эътибор беринг.

ХУТ. Душанба кунини қутилмаган хабар эшитасиз. Сешанба ўзингизни эҳтиёт қилинг. Харид учун чоршанба қулай. Пайшанба ишбилармонлар учун самарали ўтади. Жумала сиз бетакрорсиз. Шанбада ҳиё-ҳаяжонга берилманг. Якшанба кунини ўзингизга бағишланг.

СИЗ ҚАНДАЙ КЎШИҚЛАРНИ ЭШИТАСИЗ?

Сотувчилар:

"Ким олади-ё, шугинани-ё".

Хўрақдалар:

"Сумалақдан тош топдим..."

Талабалар стипендия олганда:

"Чиройли қиз, чиройлик,

Юринг боққа борайлик."

Диндор кишилар:

"Бир кун бўлар қиёмат қойим".

Ўйигитлар севиб қолиб, онасига ҳеч айтолмас:

"Севганим бойнинг қизи,

Чиройда ойнинг қизи".

Милиционер қўлига тушиб қолган айбланувчилар:

"Аҳ... ўзим, ўзим, ўзимда гуноҳ,

Термулган шу кўзимда гуноҳ".

Жиноят қидирув бўлими ходимлари:

"Барибир сени топаман!"

Ошиқ-матушқлар бир-бирига:

"Сенга ваъда берганимни

Ҳеч ким билмасин."

Доллар билан иш кўрувчи бизнесменлар:

"Кўкламоим, кўкингдан бер, бир

чимдим."

Учувчилар:

"Сени осмонимга олиб кетаман."

Кашфиётчилар:

"Далаларда танклар пахта ўради."

Зиёда АШУРОВА

гайёрлади

ЭНЖ, ЭНЖ, ЭНЖ

** Дунёдаги энг кекса парашютчи америкалик Э. Таупсенд. У 1986 йили 89 ёшида самолётдан сакраган.

** Энг баланддан парашютсиз сакраб тирик қолган аёл югославиялик стюардесса В. Вулович. Югославиянинг "Дуглас-9" самолёти 10 миң метрдан зиёд баландликда портлаганида у парашютсиз ерга қулаган. 16 ой касалхоналарда даволанган.

** Энг кўп киши ҳалок бўлган авария 1977 йилда содир этилган. Иккита "Боинг-747" самолёти тўқнашиб кетиши оқибатида 583 нафар киши ҳалок бўлган.

** Энг тез учадиган ракетали самолёт "Норт Америкэн Х-15А-2" бўлиб, у соатига 7297 километр тезликда учган. Ушанда ҳаво кemasининг танқис қисми 715,6 даражага совиб кетган.

** Энг йирик аэропорт Саудия Арабистонидаги қирол Халид номидаги қўналгадир. У 1983 йилда қурилган, 221 квадрат километр саҳни эгаллайди.

** Энг кўп харид қилинадиган фуқаро ташиладиган самолёт -- "Боинг-737" ҳисобланади.

"ОСКАР" НИМА ЎЗИ?

Дунё киночиларининг энг нуфузли мукофоти "Оскар" 1928 йилда Америка кино санъати академияси томонидан таъсис этилган. Америкалик Волтер Эллас Дисней ўзининг 65 йиллик умри давомида жами 20 марта "Оскар" ва 13 марта академиянинг бошқа мукофотларига, шуқрий унвонларини олган сазовор бўлган.

Бош ролларни маҳорат билан ижро этгани учун миссис Кэтрин Хепберт тўрт марта "Оскар" билан тақдирланган.

КИНОТЕАТРСИЗ МАМЛАКАТ

Саккиз ярим миллион нафар аҳолиси бўлган Саудия Арабистонида умуман кинотеатр йўқ экан. Айтишларича, Ислон дини қонун-қондаларига кўра оммавий равишда фильмлар кўриш ман этиларкан.

"Туркистон" газетаси таҳририяти "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни бош муҳандиси О.Раҳимовга онаси

ГАВҲАРХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Табибхона

АГАРДА СИЗНИНГ...

Тирноғингиз мўрт бўлса

демак, сизга витаминлар, айниқса, кальций ва тирноқларнинг ўсиши, ривожланиши учун зарур бўлган моддалар етишмайди.

Сиз А витамини (мева, сабзавотлар), Е витамини (бугдой, тухум сариги), В витамини (мева ва жигар), кальций (сузма, сут, йогурт), цинк (денгиз ҳайвонлари, илдиш мевалар), магний (қуруқ мевалар, девзира гуруч) кўпроқ истеъмол қилишингизни маслаҳат берамиз.

Кўлингизни авайламоқчи бўлсангиз

Кўл инсон юзига қараганда тез қарийди. Кўлни парваришlash учун куйидаги муолажаларни тавсия этамиз:

Лимон шарбати билан кўлингизни артиб туринг. У тирноқларни озиклантириш билан бирга, кўл териси рангини тиниқлаштиради.

Зира ёки бодом мойи билан кўлингизни яхшилаб ишқаласангиз у жуда майин, соғлом тус олади.

Агар у совуқда ёрилган бўлса, ётишдан олдин кўл кремнини қалин қилиб суртиб, ип газламадан тайёрланган кўлқоп кийиб ётинг. Худо хоҳласа, кўлингиз эрталабгача асли ҳолига қайтади.

Муассис:

УЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Назокат УСМОНОВА

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61

Қабулхона — 136-56-58

Хатлар бўлими — 133-79-69



МАНЗИЛИМИЗ:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят пуқтин назардан фарқланши мумкин.